

Канада мусулмонларининг йиллик конференцияси ўтказилди



15:35 / 28.12.2021 1084

Жорий йилнинг 25-26 Декабрь кунлари Торонтода Канада мусулмонларининг «Ислом руҳини тиклаш» йиллик анжумани бўлиб ўтди. Бу ҳақда About Islam нашри хабар берди.

Анжуманда бир гуруҳ мусулмон маърузачилар ва экспертлар қатнашдилар. «Ислом руҳини тиклаш» конференцияси анъанага мувофиқ ҳар йили бир мавзуга эътибор қаратади. Бу йилги анжуман «Дунёни яхши қуриш: жамиятда ўзаро мувозанат» мавзусига бағишланиб, шу ҳақда маърузалар қилинди.

Тадбир таълим дастури сифатида илк бор йигирма йил аввал бир гуруҳ мусулмон ёшлар томонидан бошланган эди. Шунингдек, 11 сентябрь воқеаларидан кейин Ислом ва мусулмонларга нисбатан кучли тазйиқга қарши курашиш ва мусулмон бўлмаганлар билан ўзаро самимий мулоқот кўпригини ўрнатиш мақсадида ташкил этилган.

Ўтган йилларда минглаб одамлар илм-фан, кўнгилочар ва савдо сессияларини кўриш, шунингдек, етакчи мусулмон мутафаккирлари ва маърузачилари томонидан диний маърузаларни эшитиш учун Toronto Metro конгресс марказига оқиб келишган.

Бу йил конфереция иштирокчилари инстаграм ва твиттер каби ижтимоий тармоқлар орқали махсус танловлар, болалар дастурларида қатнашиш ҳамда дарсларни онлайн трансляция қилиш имконига эга бўлдилар.

Анжуманда Канадада муслмонларга қарши нафрат кучайиши ҳам муҳокама қилинди. Бунинг сабаби сўнгги ойларда Канададаги муслмонлар Онтарио ва Лондон шаҳарларида бир муслмон оиланинг тўрт аъзоси ўлдирилганлигига гувоҳ бўлишган.

Хуршид Маъруф тайёрлади